



Бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа хорижий давлатнинг нақд валютасига алмаштириш (конверсия) операцияси

Бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа хорижий давлатнинг нақд валютасига алмаштириш (конверсия) операциялари амалга оширишда 09015-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва унинг бир нусхаси жисмоний шахсга берилади.

Чет эл валютасини ўша чет эл валютасига майдалаб ёки йирик пул миқдорига алмаштириб бериш

Чет эл валютасини ўша чет эл валютасига майдалаб ёки йирик пул миқдорига алмаштириб беришда 09013-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва ушбу маълумотноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга берилади.

Шикастланган чет эл валютасини шикастланмаган шу турдаги чет эл валютасига алмаштириб бериш

Шикастланган чет эл валютасини шикастланмаган шу турдаги чет эл валютасига алмаштириб беришда 09012-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва бир нусхаси жисмоний шахсга берилади.

Юқорида қайд этилган амалиётлар энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган эквивалентдаги бундай операциялар жисмоний шахслар томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, норезидентлар томонидан паспорт тақдим қилинганда амалга оширилади.